



ТОШКЕНТ О'QШОМИ



ДАВР САДОСИ
Барча мабалардан олинган сўнги ахборотлар


МАМЛАКАТИМИЗДА

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЕСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 86 (9.278) 1999 йил 26 июль, душанба

Сотувда эркин нархда



ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН БУЮК НЕЪМАТ



Рустам Шарипов олган суратлар.

Хар бир отаётган тонг бизни мамлакатимизнинг энг улуғ айёми — Истиқлолнинг саккиз йиллиги тантаналарига яқинлаштирмоқда. Асрларга татигулик йиллар деб ном олган етти йилдан сўнг Мустақиллигимизнинг саккиз йиллиги ҳам ҳаётимизнинг барча соҳаларида салмоқли зафарларга бой келди. Ўзбекистоннинг жаҳонга юз тугиши янада кучлироқ сезилмоқда, мамлакатимизнинг халқаро нуфузи ортиб бормоқда.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий соҳаларда барқарорлик ва оқсоқиллик, фуқаролик тотувлиги кўрғони бўлибгина қолмай, дунё микёсида, айниқса минтақамизда тинчлик, узаро яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш таянчи, ташаббускори ҳам бўлиб қолмоқда. Юртбошимизнинг Тожикистон Республикасида ва Афғонистонда биродарлик руҳини тўхтатиш, бу мамлакатлардаги барча низоли масалаларни тинч йўл билан ҳал этиш борасидаги кўпдан-кўп саъй-ҳаракатлари, ташаббуслари жаҳон жамоатчилиги томонидан мамнуният билан эътироф этилмоқда. Айниқса, йигирма йиллаб ички урушлардан азият чекаётган, очлик ва қашшоқликка маҳкум этилган афғон халқини бемаъни қон тўкишлардан ҳалос этишга жаҳон жамоатчилиги, энг олий халқаро

ташкилот — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа Иттифоқи ва бошқалар эътиборини тортиш йўлидаги Президентимиз олиб борган илҳомли сиёсат низоат ўз самарасини берди. Афғонистонда узаро урушиб келаётган икки қарама-қарши томон вакиллари иштирокида «6+2» гуруҳи учрашувининг пойтахтимиз Тошкентда ўтказилиши бунинг ёрқин далилидир. Унда қабул қилинган Тошкент декларацияси қадимий ва захматқаш афғон юртинга низоат тинчлик олиб келишига йўл очиб беришига шубҳа йўқ. Истиқлолимизнинг саккиз йиллигида эришилган салмоқли натижаларни Тошкентдек шаҳри азимнинг қундан-қун ўзгариб бораётган қиёфаси, чиройида ҳам кўриш мумкин. Шу йилни

нг ўзида қанчадан-қанча маъмурий, турар жой бинолари, меҳмонхоналар ва бошқа муҳим нишотлар ишга тушди. Замонавий технологиялар ва ускуналарга асосланган кўпқабатли янги иш жойлари яратилди. Хорижий инвесторлар иштирокида янги-янги лойиҳалар илҳомли амалга оширилиб келяпти. Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари бу йил илк бор пойтахт ёшларини ўз қучоғига олади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ана шу бунёдкорлик ишларига бош-қош бўлиш, пойтахтни ривожлантириш жиддий ўсишига эришилди, деган гап. Пойтахт туманларидаги барча маҳалларда, ҳар бир хонадон, кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчилар ҳаммаизнинг фахримиз бўлган гўзал ва сервиров Тошкентимизни янада чиройли, сервайз қилишга шахсан ҳиссаларини қўшадилар. Кўпқабатли хийбонлар, дам олиш жойлари, спорт майдонлари тартибга келди.

Хуллас, ҳар бир тошкентлик мамлакатимизнинг бош байрами — ИСТИҚЛОЛ АЙЁМИНИ муносиб кутиб олиш учун қурашининг олдинги марраларида бўлади. Бу эсан, уларнинг Мустақиллик ато этган буюк неъматлари юксак кадрларлари, чинакам ватанпарварликлари рамзи бўлиб қолади.

БАЙРАМ ТАЙЁРГАРЛИГИ МУҲИМ ПАЛЛАГА КИРДИ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг саккиз йиллигини байрам қилишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан шаҳар ҳокими К. Тўлаганов раислигида ташкилий кўмига ҳамда маданият ишлари вазири ўринбосари Б. Абдурахимов раҳбарлигида ишчи гуруҳи ташкил этилди ва уларнинг таркиби, шунингдек, шаҳар миқёсида ўтказиладиган байрам тадбирлари тасдиқланди.

Қарорда ташкилий кўмига республика ва шаҳардаги маънафатдор ташкилотлар билан биргаликда тантаналарга ҳозирлик бўйича барча тадбирлар мажмуини таъминлаш ва амалга ошириш вазифаси юклатди. Асосий эътибор байрам тантаналарини юксак савияда ўтказишга тегишли ташкилот ва муассасаларни сафарбар этиш, зарур жиҳозларни тайёрлаш, байрам тантаналари ўтказиладиган жойларни безашга қаратилиши зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, қарорда «Маънавият ва маърифат» маркази, «Нуроний», «Қамолот», «Маҳалла» жамғармалари шаҳар бўлимлари, бошқа жамоат ташкилотлари, ижодий уюшмалар раҳбарларига Истиқлолнинг 8 йиллигига бағишланган ижодий учрашувлар, илмий-амалий анжуманлар, санъат фестиваллари, халқ ижодиёти кўриқлари ва бошқа тадбирларни уюштириш тасвифи таъкидланди. Маданият ишлари бош бошқармаси, оммавий-маданий ва спорт тадбирлари ўтказиш дирекцияси, савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаментининг байрам тантаналарининг сермазун ва жозибадор бўлиши учун зарур чораларни кўриш, байрам тадбирлари доирасида бадий хаваскорлик чиқишлари, танлов, викторина ва спорт мусобақаларини уюштириш, озиқ-овқат ва санаят моллари кўча савдоларини ташкил этиш бўйича аниқ тадбирларни белгилаш ва уларни бажариш вазифалари юклатди.

ПОЙТАХТЛИКЛАР — УЛУҒ АЙЁМГА

«Акс садо»

«ҚЎШНИНГ ТИНЧ — СЕН ТИНЧ»

Кўни кеча пойтахтимизда бўлиб ўтган Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши бўйича ташкил этилган «6+2» гуруҳи Тошкент учрашувининг муваффақиятли яқунлари. Президентимиз Ислам Каримовнинг бу бордаги ташаббуслари барча тинчликсевар ҳамшаҳарларимизни ҳам тўққинлаштириб юборди.

Тахририятимизга бўлаётган кўнгиноқлар ва келаётган мактублардаги фикр-мулоҳазалар бунинг яққол далилидир.

Миршоҳид МИРҲАМИДОВ, Тошкент юридик коллежи директори: — Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг ташаббуси билан ташкил этилган «6+2» гуруҳининг Тошкентдаги учрашувининг муваффақиятли жиҳати шундаки, қарама-қарши томонлар, яъни Афғонистондаги икки муҳолиф «Толибон» ҳаракати ва Бирлашган фронт вакиллари биринчи марта юзма-юз ўтириб музокаралар ўтказдилар.

Абдуқаҳор ОЛИМБОЕВ, Шайхонтоҳур туман оксоқоллар кенгаши раисининг ўринбосари: — Ҳақиқат дўстлик ва тинчлик рамзи бўлиб келган Тошкентимизда бўлиб ўтган Афғонистон бўйича «6+2» гуруҳининг учрашуви ва унда Президентимизнинг сўзлаган нутқини ҳаяжон билан кузатдим ва тингладим. Юртбошимиз ўз нутқларида ўзбеклар билан афғонлар ўртасида ҳеч қачон ғанимлик бўлмаганлигини алоҳида таъкидлаб, «Ҳозир ҳам бизнинг энг эзгу ва энг катта истиғимиз тинч, барқарор ва хавфсиз Афғонистонни кўришдир» дедилар.

Чиндан ҳам Президентимизнинг доно сиёсатлари, нафакат ўз юртида, балки бутун минтақада барқарор тинчликни сақлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларини барча тинчликсевар инсонлар эътироф этаётгани халқимизни қувонтиради. 20 йилдан буён уруш ҳаракатлари давом этаётган Афғонистонда тинчлик ўрнатилишига қўйилган бугунги илк қадам, уйлаймизки, ўз самарасини беради.

ОЗОДАЛИК — СОҒЛИҚ ГАРОВИ

публикаси Вазирилар Маҳкамасининг 1998 йил 4 сентябрдаги «Бозорларда сифатсиз озиқ-овқат товарлари сотилиши бартараф этиш чоралари тадбирлари тўғрисида»ги 378-сонли ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 1998 йил 28 апрелдаги «Тошкент шаҳар ҳудудининг санитария ҳолатини яхшилаш ва аҳолининг вирусли гепатит ҳамда ўткир юқумли ичак касалликлари билан хасталанишининг олдини олиш тўғрисида»ги 135-сонли қарорларининг бажарилиши ҳамда шаҳар ҳудудига яшур (оксим) касаллигининг четдан кириб келиш хавфининг олдини олиш чора-тадбирлари ҳақида сўз юритилди.

Қарорнинг бажарилиши ва амалда қилинаётган ишлар хусусида Тошкент шаҳар ҳокимлиги санитария эпидемиология Бош бошқармасининг бошлиғи Саидмурод Сайдалиев ахборот берди.

Маърузачи шахримиз бозорларда талабга жавоб бермайдиган ҳолатларда турли хил таомлар ва яхна ичимликлар тайёрлаб сотиш, ошхоналар ташкил этишга йўл қўйилмаётгани, кичик бозорчаларда санитария-гигиена ҳолатларига эътибор берилмаётганига алоҳида тўхталиди. Бундай ҳолатлар натижасида инсон организмидан ҳар қандай юқумли касалликлар вужудга келиши ва тарқалиши кенг имкониятлар туғилиши мумкинлиги хусусида аниқ мисол ва видеотасвир орқали изоҳлар берди.

Шаҳримизда «Тошбозор-тайёрловсавдо» уюшмасининг 15 та ҳиссасдорлик жамиятига қарашли 60 дан ортиқ бозорлари мавжуд. Бироқ, уларнинг айрим шохобчаларида тадбиркорлар учун шароитлар йўқлиги, ичимлик сувлари канализацияга уланмаганлиги ва охиқ-оқибатда ноҳус ҳолатлар вужудга келаётганлиги албатта ачинарли ҳолдир. Бундай ҳолатларни метронинг Чилонзор бе-

катида, «Фарход», «Отчопар», «Паркент», «Авиасозлар» бозорлари ва уларнинг шохобчаларида қуриш мумкин.

Санитария талабларига жавоб бермайдиган турли хил савдо ва умумий оватланиш шохобчаларини аввало бозор кўркини буза, қолаверса санитария эпидемиология вазиятининг кескинлашуви ҳам сабаб бўлмоқда. Натижада дизентерия, сальмонеллез, қора оксоқ (бруцеллез) касалликларининг ўтган йилга нисбатан биринчи ортилиши кузатилади. Бундай касалликлар Бектемир, Шайхонтоҳур, Юнусовод, Акмал Икромов, Ҳамза ва Собир Раҳимов туманларида бошқа туманларга нисбатан кўпроқ кайд этилмоқда. Шунинг учун санитария-гигиена ҳолатларини кескин тартибга келтириш, озиқ-овқат маҳсулотларининг барча турини тўлиқ назоратдан ўтказиб, сўнг соғлиқ руҳсат этилиши қатъий талаб этилади.

Мажлисини Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Эркин Эрназаров олиб берди.

Гулзода АБДУЛЛАЕВА.

«...Ахир тўкиб-сочиб қилинаётган тўрғида тўй ўрнига битта мактаб курси бўлади-ку! Ахир шу мактабда бегона эмас, ўзимизнинг фарзандларимиз, эртага сизу бизнинг ўрнига келадиган, чироғимизни ёқадиган, шу Ватанга эгаллик қиладиган ўғил-қизларимиз ўқийди-ку!»

Ислом КАРИМОВ

Пойтахтимизнинг Собир Рахимов туманида жойлашган Беруний номи маҳаллада амалга оширилган ибратли ишларда маҳалла фуқаролар йиғини аъзоларининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Кўп йиллардан бундан маҳалла аҳлининг ҳар бир кунини ҳамроҳ бўлиб, хурсандчилиги тавсияларини баҳам кўриб иш юритаётган фаоллар маҳалла аҳлининг ҳамжihatлигини таъминлашда бош-қош. Биз маҳалла оқсоқоли, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳиби Саиднаби Саидкаримовдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 28 октябрдаги Фармонида асосан ўзи бошқариётган маҳаллада амалга оширилган ишлар ҳусусида гапириб беришни илтимос қилдик.

Президентимиз Ислом Каримовнинг тўй-ҳашамлар ва маросимлари ўтказиш ҳақидаги Фармони эълон қилинган, маҳалла кўмитаси аъзолари билан яна бир бор кенгаш ўтказиб, келгусида амалга ошириладиган ишларимизни белгилаб олдик. Тўғри, ўзбекининг

Фармон ва ижро

ЗАМОНАМИЗГА МОС ВА ХОС ТҮЙЛАР

тўйсиз хонадони бўлмайдди. Тўй ҳам фаровон ҳаётимиз кўзгусидир. Лекин уни рисоладагидек файзли ўтказиш, ташкил этиш маҳаллаларда тузилган тўй ўтказиш кенгашларининг муҳим вазифалари сирасига кирди.

Маҳалламизда 3000 дан зиёд аҳоли мавжуд. Улар 500 хонадон — 1000 дан ортик оилани ташкил этади. Биз маҳалла фаоллари ва фуқаролари билан кенгашиб ўтказиладиган тўй-ҳашамлар, оилани тантаналар, маърака ва маросимларнинг ихчам, кам харажатли, аммо файзли ўтишига эришганмиз. Тўй кенгашимизга маҳалла оқсоқоли, хотин-қизлар кенгаши раиси, фахрийлар кенгаши раиси, ёшлар билан ишлаш кенгаши раиси, масжид имоми, участка милиция ноистри, маҳалла ҳўжалик мудирлари аъзо саналади.

Тўйларни тартибга солиш мақсадида махсус дафтар тўтганмиз ва ҳар бир тадбир рўйхатдан ўтказилади. Кенгаш аъзолари ҳар чоршанба кун ийгилиб, тўй ўтказувчи фуқарога тартибни тушунтиради, керакли маслаҳатлар беради. Кенгаш раиси маҳалла йиғинида ўз фаолиятлари ҳақида ҳисобот бериб туради. Тўй кенгаши ўз вазифасидан келиб чиқиб, миллий қадриятларимиз ва шарқона урф-одатларимизни эътиборга олган ҳолда шўхратпарастлик, дабдабозлик, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, эл-юрт одатларини менсимаслик, атрофда яшовчи кўни-қўшилларнинг ҳол-аҳволини инобатга олмаслик кабиларга вақтида чора кўради ва олдини олади.

Фуқаролар билан келишган ҳолда никоҳ тўйларимизни замонага мос равишда ишлаб чиқилган тавсияномага асосан ўтказишга эришмоқда.

Беринг дердилар доим.

... Тўй кунини ҳам этиб келди. Кўнглимдан нималар ўтаётгани, калбимданга ҳаяжонлар фақат ўзимгагина аён. Мен, яқин дугонам ва кенояним ўтирган «Мерседес» машинаси меннинг бўлажақ уйим остонасида тўхтади. Мен йиғидан қизарган кўз-бегинг дердилар доим. ... Тўй кунини ҳам этиб келди. Кўнглимдан нималар ўтаётгани, калбимданга ҳаяжонлар фақат ўзимгагина аён. Мен, яқин дугонам ва кенояним ўтирган «Мерседес» машинаси меннинг бўлажақ уйим остонасида тўхтади. Мен йиғидан қизарган кўз-бегинг дердилар доим. ... Тўй кунини ҳам этиб келди. Кўнглимдан нималар ўтаётгани, калбимданга ҳаяжонлар фақат ўзимгагина аён. Мен, яқин дугонам ва кенояним ўтирган «Мерседес» машинаси меннинг бўлажақ уйим остонасида тўхтади. Мен йиғидан қизарган кўз-бегинг дердилар доим.

Ўзбек халқи азалдан тўйни яхши кўрадиган, дастурхони дўсту ёронлар учун доимо очик халқ. Яхши-яхши тўйлар ўтказишимиз ҳам фаровон турмушимиз, мустақиллигимиз шарофатидандир. Тўйларимизнинг тўйларга уланаётгани шарқона урф-одатларимизнинг, миллий қадриятларимизнинг тобора тикланиб, ҳаётимизга чуқурроқ сингиб бораётганидан нишонадир. Қарияларимиз ҳар доим дуога қўл очар эканлар, «Топганларинг тўйга буюрсин» деб ният билдирадилар. Бу дегани ҳалол меҳнат завоғида топилган давлатнинг яхшиликка сарфланиши, ақлли, одобли, биллими, соғлом фарзандлар ўстириб, уларнинг камоли билан фахрланиш, улар тўғайли эл-юртга файзли дастурхон ёзиш, ота-она орзу-ҳавасининг ушалиши деганидир. Ортимизда ўтказиладиган тўйларга жуда кўплар ҳавас қиладди. Аммо кейинги пайтларда баъзи бир амалдор кишилар ким ўзарга тўй қилиб, ортиқча дабдабозлик ва исрофгарчиликка ҳам сабаб бўлишди. Бундай «орзу-ҳавасини нотўғри тушунган кимсалар эса



— Азал-азалдан халқимиз меҳмон-дўст ва бир-бирига меҳр-оқибатли, боланон. Шу боисми, фарзандларимиз дунёга келган кундан бошлаб яхши эзгу ниятларни кўнглимизга тутиб қўямиз. Шу фарзанднинг орқасидан яхши-яхши тўйлар қилиб, маҳалла-қўйга, қариндош-уруғларга дастурхон ёзиш, хурсандчилигини дўстлар билан баҳам кўриш ҳар инсоннинг кўнглида бор.

Айниқса, юртимизда Мустақиллик шарофати билан гўзал урф-одатларимиз, миллий қадриятларимиз қайта тугилди. Энди бу қадриятларимизни ёшларимиз оғига синдириш, урф-одатларимизни ўз гўзаллигига уларга етказиш биз катталарнинг зиммасидадир. Ана шунинг эътиборга олган ҳолда номига яраша кундан-кунга обод бўлиб бораётган маҳалламизда талайгина ибратли ишларни амалга оширмоқдамиз. Халқимизда «Маҳалланг — ота-онанг» деган ажойиб нақл бор. Албатта, бу маҳаллага берилган жуда катта баҳо, билдирилган юксак ишонч ҳамда юзтада масъулиятли вазифадир.

Ана шундай ишонччи оқлашда бизнинг маҳалла кўмитамиз аъзолари ҳам барча имкониятлардан самарали фойдаланмоқдалар. Барчамизга маълумки, ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримовнинг тўй-ҳашамлар ва маросимлари ўтказиш ҳақидаги Фармони эълон қилинди. Аввалдан маҳалламизда тўй ва маросимларни ихчамлаштириш, ота-боболаримиздан қолган яхши анъана ва азалий урф-одатларимизнинг бузилишига, дабдабозликка йўл қўймасликка катта эътибор қаратганмиз. Ушбу Фармон асосида ишимизни қайтадан кўриб чиқиш учун кўмитамиз қошида 5 кишидан иборат тўй



Насиб этсин оппоқ либос ҳар бир қизга. Ҳамроҳ бўлсин мард йиғитлар қизлар — сизга!

ноиймининг шангиллаган овози эшитилди. Кўз қиримни ташладим: машина эшиги олдида бир аёл қўлида майда-чуйда солинган патнис кўтариб турибди, устида бир кийим мато, мато устида эса юз сўмлик пуллар. «Йўқ бўлмайди, кизи борнинг ноизи бор», — деди яна кенояним. Бу

ўйламай қилган манманлиги катта совуқчиликка сабаб бўлди. Тўй тугагунча кўёвнинг қовоғи очилмади, гўё олдимда меннинг турмуш ўртоғим эмас, бегона одам омонатга ўтиргандай эди... Ҳаммаси тўй ўтгандан кейин бошланди. Тўғриси, киз боланинг ўзга хонадонга мослашиши осон кечмайди, бирор нарсага хато қилиб қўймай деб ҳадиксираб тураркан одам. Бирор ишни сал бошқача бажарсам кайнонам «Келинпешон, кеноянингиз ўргатаман эканлар-да», десалар, турмуш ўртоғимга бир гапни тушунтирмоқчи бўлсам «Уша доню кеноянинг ўргатди» деб жериб берарди. Кеноянимга ҳар дорганимда «Нега шундай қилдингиз?» десам «Атайлаб кимдими, ахир бу одатимизда» дер эдилар.

Онамнинг маслаҳатлари билан ҳаммасига чидаб яшадим. Ниҳоят, турмуш ўртоғим ҳам менда айб йўқлигини тушди. Ҳаётим изга

Муносабат АКСИ ҲАМ ТИНИҚ БЎЛСИН

ана шундай шўхратли тўйлар билан ўзини «кўрсатиб» танилиб қолмоқчи ҳам бўлдилар. «Э, фалончи зўр тўй қилди-да» деган номни олишга интилувчилар ҳам топилди туради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1998 йил 28 октябрдаги тўй-ҳашамлар ва маросимлари ўтказишда ортиқча дабдабозликка йўл қўймаслик, эл-юрт одатлари ва анъаналарини менсимасликка чек қўйиш ҳақидаги Фармонлари эълон қилиниши айни меҳнаткаш халқ дилидаги гап бўл-

1999 — Аёллар йили ҲАЁТ БОҒИНИНИНГ ГҲАААРИИ

комиссиясини туздик. Маҳалламизда 15 мингдан ортик аҳоли яшайди. Кўпни кўрган, мулоҳазали ҳамда тажрибали оила бошлиқлари, мутахассислар билан маслаҳатлашган ҳолда ўз иш режамизни тузиб чиқдик. Маҳалламизда ҳар бир тўй ўтказиладиган оила аввало тўй комиссияси аъзолари билан маслаҳатлашди ва йиғинни тартиб-қоидага асосланган ҳолда ор-

Маҳалла МАСЛАҲАТЛИ ТҮЙ ТАРҚАМАС

Маъбират ТОЖИЕВА, Юнусобод туманидаги «Обод» маҳалласи хотин-қизлар кенгаши раисаси:

тиқча чиқимларга йўл қўймасдан, ҳаволанмасдан ўтказишга келишиб олинди. Агар лозим бўлса ўғил уйлантираётган ёки қиз чиқараётган хонадоннинг қудалари тарафга ҳам комиссия аъзоларидан бири бориб қатнашди. «Уларга «маҳалла»-шаронти, олди-бердилар ҳақида тушунтирилади ва ниҳоят тўйнинг рисоладагидек тартибли ўтишига эришилмоқда. Албатта, тўйнинг икки томоннинг келиши билан, ортиқча сарф-харажатларисиз, қарз-ҳаволасиз ўтиши келгусида икки ёшнинг бахтини таъминлайди.

Тўй кунини белгилаб, рўйхатга ёзилган, аввало ота-оналар, сўнгра

ЗЕБО БЎЛИНГ

◆ Аччиқ қилиб дамланган чой ва пиёз пўсти дамламасини ҳам табиий соч бўёқларига киритиш мумкин. Куюк қилиб дамланган чой сочга ҳар кун суртилса, унинг ранги кўнглидагидек жиллоли бўлади.

◆ Қизил пиёз пўсти қайнатмасидан ҳам сочини бўяшда фойдаланиш мумкин. Ингичка ва қуруқ сариқ сочли аёлларга бу қайнатма қўл келади. У сочининг рангини бироз ўзгартириши сабабли ҳар кун ишлатган маъқулдир. У сочининг чироий, ўзинингизга латофат бахш этади.

Келинчакнинг ЗИЙНАТИ

◆ Қайноналар уй ичида кўп яшаган ҳурматли кимсалар бўлганликлари боис ҳам ўзларини билган тадбирлари билан келинларини яхши одатларга, қиз болаларни эса гўзал одатларга ўргатамоқлари лозимдир.

◆ Яхши маишат этишни келинлар истаганлари каби, қайноналар ҳам йиллаб тарбиялаб ўстирган ўғлонларидан умид билан яшайдилар. ◆ Азиз қайноналар, шунинг унутмангки, сизга келин бўлиб тушганлар ҳам бировнинг кўз қораси-ю умрининг сармоясидир.

ди. Шахримизнинг барча маҳаллаларида Фармон ҳаётга татбиқ этилиб, тўйларимиз ва маросимларимизни янги урф-одатларимизга мос ўтказишга, ортиқча сарф-харажатларга йўл қўймасликка эътибор қаратилмоқда. Маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар кенгаши раислари бу борада фаол тушунтириш ишларини олиб бормоқлари лозимлиги уқдирилмоқда. Шунинг унутмаслигимиз лозимки, ўзбек хонадонининг тўй ва маросимларида ҳаммиша маънавиятимизнинг ибратли жиҳатлари намойиш бўлиши, ўсиб келаётган авлод дунёқарабини, қадриятларимизга бўлган эътиқодини, она-Ватанга, урф-одатларимизга бўлган муҳаббатини тўлдириб турадиган жиҳатлари акс этмоғи лозим. Фармонда асосий эътибор, мақсад ана шунга қаратилган. Бир сўз билан айтганда, тўй ва маросимларимиз хурмат ва эҳтиромимиз, қарашларимизнинг ёрқин кўзгусидир. Шундай экан ана шу ёрқин кўзгуда фақат тиниқ аксимизни кўрайлик.



«Учқун» масъулияти чекланган жамияти чеварлари ишлаб чиқарилаётган махсулот сифатига алоҳида эътибор қаратмоқдалар. СУРАТДА: назоратчилар Озода Зоирова ва Муҳаббат Тоҳировалар ҳар бир махсулотни синчковлик билан текширадилар. Рустам Шарипов олган сурат.

Қиз чиқариб, ўғил уйлантириш ҳар бир ота-онанинг зиммасидаги энг масъулиятли вазифалардан бири саналади. Ана шу масъулиятни қизларимиз буй этиб, йиғитларимиз эр етганда янада чуқурроқ ҳис этамиз. Лекин ҳозирда баъзи ота-оналар йиғит-қизларимизнинг оила қуришга тайёр ёки тайёрмаслигини ҳисобга олмасалар, уларнинг «турмуш», «оила» деган тушунчаларни ҳали тўла ангамагани ҳолда 16 ёшдан қизларимизни узатаётгани, 18-19 ёшли йиғитларимизни уйлантираётгани қўллар ёш оилаларини бузилиб кетишига сабаб бўлмоқда. Ана шу ҳақда айрим газетхоналаримизнинг фикри билан қизиқдик.

Мунозара ЁШИ ЕТМАЙ, ИШИ БИТМАЙДИ

◆ Санобар БУРХОНОВА, 64 ёш: — Бир қўшим, «Харна ағасига тоширганам» деб 16 ёшли қизини узатди. Уни ЗАГСдан ҳам ўтказишди. Лекин олти ой ҳам ўтмасдан улар ажрашиб кетишди. Нима эмиш, келин бола муомалани билмас экан, жуда секин иш қиларкан ва бошқа арзимасдан бахоналар... Мен бу ўринда ҳали нав-нихол қизини узатган аёлни айбладим, албатта. Ахир қизимизни турмушга узатмасдан олдин унинг оила қуришига тайёриги, йўқми шу ҳақда бош қотрайлик. Токи улар арзимасдан гап-сўзларга чидай олмай, ортларига қайтмасин. Шу ўринда қайноналарга ҳам эътирозим бор: Халқимизда «Ёши етмай, иши битмайди» деган гап бор. Билмаганини ўргатиш сизларнинг ҳам вазифангиз-ку...

◆ Шаҳзода ОДИЛОВА, 18 ёш: — Бир дугонамни ҳали мактабни тугатмасдан унаштириб қўйишди. Қуёв тараф жуда бадавлат экан, кейин бунақсини топиб бўлмасмиш. Дугонам ҳам унинг соғаларига, кийимларига қизиқиб рози бўлибди. Тўй ҳам бўлди. Лекин дугонани ҳар кўрганамда афсусланади. «Фақат янги-янги кийимлар кийиб юришни ўйлабману оилада буладиган кийинчиларни ҳаёлимга ҳам келтирмабман» деб нолиб қолади. Шу боис ҳам қизларни жуда ёш турмушга бериш керак эмас, балки аввало уларни ҳаётга — оила қуришга тайёрлаш керак. Ана шунда оила мустаҳкам бўлади.

◆ Исроил САЛИМОВ, 24 ёш: — Ўтган йили олий ўқув юртини тугатдим, ҳозир ишлапман. Ҳали уйланиш йўқ. Оила тевратишга тўла тайёр бўлганимда уйланмоқчиман. Қачон уйланиш бу ҳар кимнинг кўнгли хоҳиши. Аммо оиланинг мустаҳкам бўлиши ёши ҳам боғлиқ, деб ўйлайман. Чунки ёшнингиз ошиб борган сари оила, турмуш, бола-чака нима эканлигини, масъулиятни чуқурроқ ҳис этасиз.

◆ Мастура ЙЎЛДОШЕВА, 36 ёш: — 16 ёшда узатилган қиз 17 ёшда она бўлади. Ахир унинг ўзи болақ, фарзанд тарбиясига у мукаммал тайёр эмас. Қизларимизни жуда ёш узатиб, уларнинг ҳаётига зомин бўлмайлик. Уйлариимиз ҳам аввало бирор ҳўнар эгаси бўлсин, ахир у эртага ота бўлади, фарзанд тарбиялайди, оила бошқаради. Ана шуларни эътиборга олайлик. Турмуш ўйинчоқ эмаски, бири ёкмас, «ҳали ёшсан» деб бошқасига уйлантираверсангиз... ◆ Толиб КОДИРОВ, 23 ёш: — Ота-онам уйлантиришмоқчи. Узим тенги қизни танланганман. Уйдагилар эса «бўлмайди, қари қиз» дейишарди. Менга ҳали ҳеч нарса тушунмайдиган 16-17 ёшар қизнинг нима кераги бор. Менимча, турмуш қуришининг эрта-кечи йўқ. Энг муҳими, эр-хотин бир-бирини тушуниб яшаш керак. ◆ Алишер ТОҲИРОВ, 54 ёш: — Баъзи ота-оналар қизини эрта узатиб ёки ўғлини ёш уйлантириб қўйиб, гўё бу билан уларнинг тарбиясини тўғриламочки бўладилар. Ваҳоланки, тарбияни фарзанд туғилгандан бошлаш керак. Азиз ҳамшаҳарлар, бу борада сизларнинг фикрингиз қандай?

АЁЛГА ЯРАШАДИГАН ФАЗИЛАТЛАР ЛАТОФАТ — аёлнинг ҳаёси ва ибоси. Латофатсиз аёлда ҳаё ҳам бўлмайди, у жонсиз қўрқочка ўхшаб қолади. МУЛОЙИМЛИК — айниқса аёлларга хос. Мулойим аёл ширинсўз ва ёқимтой бўлади. Мулойимлик — энг ноёб хусусият, ахлоқ-одобнинг яхши кўринишидир. ПОКЛИК — аёл ўзининг покиза туйғулари билан юксакдир. ВАФОДОРЛИК — аёлнинг ҳуснини, ички дунёсини қоз чандон гўзаллаштириш чарақлардан қўшдир. Садоқатнинг йўлдошидир. МЕҲР — аёл меҳри ҳар нарсадан устундир, бу меҳр тошларни ҳам эритиб юборишга қодир.

Саҳифа материалларини Шарифа ИЛЁСОВА тайёрлади.

Замин кенг қамровли тушунча, уни онага қиёслайдилар, бу ҳам бежиз эмас. Донолардан бири «бизнинг мамлакатимиздан бошқа турли хил давлат ва ўлкалар кўп, лекин инсоннинг туққан онаси ҳам, унинг туғилган жойи ҳам битта», деса, бошқаси «биз дунёга келган юртни севамиз, бу биз нафас олаётган ҳаводир», деб кўпларга кўтарган. Халқ нақлларидан ҳам она-замин ардоқланган, улуғланиб мадҳ этилган. «Она юртинг — олтин бешинг», «Она ернинг тупроғи — она сутидан азий», «Она юртинг омон бўлса, ранги-рўйинг сомон бўлмас», «тўйган ердан, туққан ер яхши» ва шу каби ҳикматлар фикримизнинг исботидир. Аммо унинг улуғлигини билмаслик, англамаслик гуноҳи азимдир. Ҳатто юртингнинг нонинглиги ҳам мусибат саналган, худди мақолда «юртингн вайронаси — умрнинг гамхонаси», «элинг вайронаси — умрнинг ҳайронаси» деб надоматлар ўқилган. Бундан ташқари ана шу замин биз яшайдиган макон ҳамдир. Ҳаётимиз, тур-

«АВЕСТО»ДА ОНА-ЗАМИН МАДҲИ

мушимиз ана шу илоҳий ҳилқатга боғланган, у билан чамбарчасдир. Заминсиз одамзот ўзини тасаввур қилолмайди, шунинг учун унга ҳаммиша таъзим ва эҳтиромлар бажо қилган. «Авесто»да ҳам ер, она-замин марок билан куйланган, унга гўзал, дилбар калималар битилган. Ҳаммасидан ҳам мазкур илоҳий манбада яратилган илк серзамин ҳудудимиз эканлигидан бошимиз омонга етди. Мана «Авесто»га қулоқ тутиш: «Мен — Ахура — Мазда (олий, илоҳ), — дейилган. «Авесто»да, — яратган илк серзамин ва бирламчи юрт бу — Доитиё» (Аму) дарёси соҳилидаги хушманзара Ийрон Ваз (ҳозирги Ҳива) эди.

Нақадар ёқимли жумла, бебаҳо далил. Азиз ватандошлар, мен юқоридаги пурҳикмат иқтибосни ўқиб шундай ҳаяжонландимки, гўё ўзимда йўқман. Танграмга беадад шуқрлар бўлсинки, бизлар дунёдаги энг қадимги халқлар сарасиданмиз.

«Хоразм ва Хива тарихи, — дедилар Йўлбошчимиз Исмоил Каримов, — халқимизнинг ёзув, илм-фан, санъат, маданият ва маънавий соҳаларидаги юксалиш бошқичларини ўзида мужассам этади.

Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто» ҳам айнан Хоразмда яратилгани фикримизнинг ёрқин далилидир».

Заминимизнинг қадимийлиги, Буюк «Авесто»нинг шу юртда дунёга келганлиги биз юртдошларининг қалбини жунбушга келтирди. Ақли донишликнинг намунаси ҳисобланмиш «Авесто» инсониятга беазор хизмат қилган ва бундан буён қилаверади. Табаррук мажмуа, мана, яна она-замин ҳақида, ер тўғрисида лутф қилаяпти, эътибор беринг.

«Эй, қуёш юзли Жам («гўзал», «иссиқ дийдор» маъносини англатиб, олий — илоҳ томонидан бир қанча сифатлар ато этилган ярим худо) деди, — Ахура, Мазда, — одамлар қуруқ тупроқни юмшатганларидек, ерни товонинг билан эзгила ва қўларинг билан шудгор қил. Шундан сўнг у ерда сувлар... шитоб билан оқдилар... У ерда ҳаммиша ям-яшил ва хуррам, ҳаммиша эзгулик, егулик ва қут-баракатли яйловлар яратди.

... У ерда кенг ва баланд уйлар қурди. ... У ерга ер юзидаги энг улуг, энг олий, энг яхши эркак ва урғочиларнинг уруғларини олиб берди. ... У ерга ер юзидаги энг улуг, энг олий, энг яхши жониворларнинг хилма-хил уруғларини олиб берди. ... У ерга ер юзидаги энг емишли, энг ёқимли ва хушбўй таомларнинг уруғларини олиб берди.

... Нобуд бўлмасликлар ва йўқ бўлиб кетмасликлар учун уларни жуфт-жуфт қилди».

«Авесто» она-заминни шунчалик улуғлайдики, унга берилган таърифлар алоҳида-алоҳида мадҳиялардан иборатдир. «Замини ҳаммадан кўра бахтлироқ бўлган биринчи, иккинчи ва ҳоказо жойлар қаер, деган саволларга жавоб бериб

1. Покиза ўтин, янги соғилган суги бўлган, ўз амалига эътиқодли, кенг яйловларидан масрур бўлиб юрган одамлар бўлган жой.

2. Яхши уй-жойли, сигирлар галасини хўраги мўл ва уй бекаси бахтиёр, фарзандлари шодмон, ҳаммиша олов туруллуб турадиган, яхши итларининг ризқи сероб жойдир.

3. Кўпроқ буғдой, ёғ ва мевали дарахтлар эккан, одамлар қуруқ ерларга сув чиқарган, сувли ерларни шудгор қилган заминдир.

4. Қўйлар суруви ва тевалар уюри энг кўп парвариш қилинадиган заминдир.

5. Сернасл қўйлар ва тевалар яшайдиган заминдир ва ҳоказо, ҳоказолар».

Мана, сизга она-заминнинг таърифи.

Бугунги кунда талабалikka қабул қилишда тест энг одил синов усули эканлиги ўз исботини топаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу тўғрисида ҳам сўнги икки йил ичида талаба бўлиш иштиқиди турли ўқув юртиларига ҳужжат топширувчилар сонини ҳам ортиб бораёттир. Хусусан Мирзо Улуғбек номи Тошкент Давлат университетиде абитуриентларнинг ҳужжат топшириш ишлари тугалланди. Университет ректори академик Тўрабек Долимов университетда фаолият кўрсатаётган факультетлар, қабул жараёни ҳамда абитуриентларга яратилган шарт-шароитлар хусусида кўйидагиларни гапириб берди.

— Университетимизда ўн тўртта факультет, иккита илмий текшириш институти, уч миллион китобга эга бўлган ўн тўртта кутубхона, битта марказий кутубхона, нашриёт, гимназия ва лицей фаолият кўрсатаётти, — деди Тўрабек Долимов. — Ҳозирги кунда 800 атрофида профессор-ўқитувчилар 6,5 минг талабага таълим-тарбия беришмоқда. Ун етти хорижий мамлакат, хусусан Европа ва АҚШ сингари мамлакатлар университетлари билан муштажам алоқа ўрнатилган. Янги ўқув йилига грант бўйича 700 та, шартнома бўйича ҳам 700 нафар, жами 1400 та талаба қабул қилиш режалаштирилган.

Айни кунларда университетда абитуриентлардан ҳужжат қабул қилиш ниҳоясига етди. Мўлжал бўйича 6,5-7 минг абитуриентнинг ҳужжат топшириши кўзда тутилган эди. Албатта ҳужжатлар қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги Қарори асосида бўлди.

Ўқув муассасасида айрим факультетларга киришда конкурс катта. Жумладан, юридик факультетиде бир ўринга ўн икки, ўзбек филологияси факультетиде бир ўринга бештадан абитуриент тўри келмоқда. Шунингдек, тарих, хорижий филология, табиий факультетлардан ҳисобланган информатика бўлимига ҳам талаб кучли.

Абитуриентларнинг ҳужжат топширишлари учун университетда барча шароитлар муҳайё қилинган. Улар учун турли ўқув қуроллари билан савдо қилувчи савдо шохобчалари, ошоналар ишлаб турибди. Визиялардан келган абитуриентларга эса ётоқхона ҳам ажратилган. Ҳужжат топши-

риш жараёнида абитуриентларга керакли маслаҳат ва йўл-йўриқлар кўрсатиб борилади.

Университетда магистратура ҳамда иккинчи мутахассислик бўйича ҳам қабул ўтказилди. Магистратурага 27 йўналиш бўйича 340 нафар ёш мутахассис қабул қилинади. Унга тўртинчи курсни битирган бакалаврлар ва бешинчи курсни битириб, дипломга эга бўлганлар ҳужжат топши-

риш бўйича республика чемпиони бўлса, у ҳолда математика факультети талабаси бўлади. Шу кунга қадар республика олимпиадасида голиб деб топилган 8 нафар йигит-қиз талаба деган шарафли номга сазовор бўлди.

Университетда ҳар йили юз, юз эллик нафар профессор-ўқитувчилар хорижий мамлакатларда малака ошириб кайтадилар. Бу эса талабаларга ўзига хос ва давр талабига мос равишда билим беришда муҳим аҳамият касб этади. Яқиндагина ҳам университетнинг 8 нафар ўқитувчиси Голландияда ўз малакаларини ошириб кайтидилар. Эндиликда улар Голландиядан ўрганган ўқитиш услубларини ўз ҳамкасбларига ҳам ўргатиб, улар билан биргаликда бўлажак талаба — абитуриентлар орасида синовлар олдидан тегишли машғулотларни олиб бормоқдалар. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат Тест маркази томонидан чиқарилган «Ахборотнома»лар асосида пухта тайёрланган ҳар бир абитуриент албатта талаба бўлади, деган умиддамиз. Ўқишга киришда тест жавобларининг барчаси компьютерга киритилган бўлиб, унга четдан ҳеч қандай кимса аралаша олмайди. Қолаверса, тест синовлари пайтида бир неча кишидан иборат гуруҳ ишлайди. Мазкур гуруҳда тест маркази вакиллари, ота-оналар ва бошқа тегишли шахсларгина бўлади ҳолос. Бундан кўриниб турибдики, ҳақиқий билимдон, зукко йигит-қизлар талаба бўладилар.


Наргиза ПИРНАЗАРОВА.

Шу куннинг мавзусида

БИЛИМДОНЛИК ВА ЗУККОЛИК СИНОВИ

Иккинчи мутахассислик бўйича ҳужжат топширганлар ҳеч қандай имтиҳон ва синовларсиз мутахассисликка қараб иккинчи, учинчи курсларга ўқишга қабул қилинадилар.

Яна шунинг ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, фанлар бўйича республика олимпиадаларининг голиблари ҳамда республика миқёсида тан олинган спорт чемпионлари университетга тўғридан-тўғри имтиҳонларсиз қабул қилинади. Уларни қабул қилишда тегишли ташкилот ва идораларнинг кўрсатма, тавсияларига таянган ҳолда иш олиб борилади. Жумладан, агарда абитуриент шах-



«БОҒИ ЭРАМ» ЯШНАЙДИ

«Боғи Эрам» маданият ва истироҳат боғи пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларининг энг сеvimли оромгоҳларидан бири саналади. Айни кунларда ушбу боғни янада яшнаттириш, янги ўйингоҳлар ташкил этиш борасида қайтадан қуриш ишлари жадал суръатларда давом этмоқда.

Ушбу боғни қайта бунёд этиш ишларини «Паркентсувқурилиш» трести ҳамда шаҳар ирригация, сув иншоотлари ва кўкаламзорлаштириш трести бунёдкорлари амалга оширишмоқда. Эртдан кечгача 60 нафардан ортиқ қурувчи турли керакли техникалар маддага таянган ҳолда қурилиш-тиклаш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ҳамда сув иншоотлари барпо этиш ишларини бажаришмоқда. Қайта қуриш ишлари олиб борилаётган майдон 7 гектардан ортиқ ерни ташкил этади. Шу боис ҳам кўплаб қурилиш ташкилотлари ёрдамга келишган. Айниқса, 1, 2, 3, 4, 5-кўчма механизациялашган колонналар, «Ўз-мехсувтранс» ҳамда бошқа қатор ёрдамчи пудратчилар ҳам алоҳида-алоҳида қуриш ишларини бажаришмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу боққа очик саҳналар, чойхона ҳамда фавворалар, ўзига хос тарздаги зиналар ўзгача файз бағишлар эди. Қайта қурилишда буларнинг барчаси сақлаб қолинган ҳолда дам олувчиларга мажбурий ҳолда ва айниқса, болақулликларни хушнуд этувчи турли қўшимча аттракционлар бунёд этилмоқда. Шунингдек, спорт иштиқоблари учун ҳам шарт-шароитлар ҳозирланмоқда. Парк худудиде стадион ва теннис кортлари ҳам жойлашади. Чўқурлиги 2 метр бўлган умумий майдони 12 минг квадрат метрни ташкил этувчи кўл бунёд этилиши кизгин давом этмоқда. Айниқса, кўл ўртасидаги «оролча» соҳилларини бир-бири билан туташтирувчи

1945 йиллар эди. Ажойиб кўй-қўшиқлар муаллифи, сеvimли бастакор Дадаали Соатқулов миллий мусиқа санъатимизни ривожлантиришга ушбу ҳисса қўшган ардоқли арбоб Юнус Ражабий раҳбарлигидаги ўзбек чолгу ансамблида най чалганлигини бугунги авлоднинг кўпчилиги билмас керак. Ҳа, унинг ижросидаги най навалари тингловчини сел қилиб юборарди.

Уша пайтлар шоир Тўроб Тўла радиода суҳандонлик қилар, кундалик «Сўнги ахборот»ни ўқишдан ташқари концерт дастурларини деярли ўзи эълон қиларди. У маҳаллар радио биноси шундоқкина Амир Темури хийбони биқинидаги собиқ Кўйбишев, ҳозирги Охунбобоев кўчасининг бошланғич-биринчи уйда жойлашган бўлиб, бор-йўғи бири каттарок, бири кичикроқ — икки студиядан иборат эди. Концертлар асосан катта студиядан олиб борилар, чолғучилар бутун зални тўлдириб, ярим доира шаклда тизилишиб ўтиришарди. Ҳар бир ижро этиладиган кўй ёки кўшиқ эълон қилинишидан олдин созандаларнинг бирма-бир номма-ном таънибди чиқиларди. Масалан, «Зафар», Дадаали Соатқулов мусиқаси... Дуторда Ориф

риб, дейдиганимни дейман, барини тушунтирмаман. Қанақа қувлигини очиб ташлайман. Ман билан баробар маш олас, дейман, республика радиосидаги Фахрли жойининг номини эса-ю бутун қилмиши ғирромлик, дейман. Шунанга йўл билан санъатимизга иснод келтириб юргандан кўра кўчага чиқиб, без терсин, дейман!

— Қанақа ғирромлик, қанақа иснод? Оғзингизга қараб гапиринг, хов! Ман ҳали бировнинг эътиборини тортиб ейдиган бўлганимча йўқ. Сиз маннинг номини яримта қилмасиз. Най чалишни биздакага чиқарган, сиз бастакор-лигингизни қилаверинг эди. Ман ўш хунарим бўйича ризқимни еб юрибман.

— Ҳалоллик билан топиб егин-да ризқингиз. Кемага тушганингиз жони бир, дейдилар. Ман билан жўр овозмисан, аравани баробар тортинда, ахир! Саннинг ўринингга ман най пуфлаб, жоним хижилдоғимга тикилгунча кекиртагини чўздираверасаним? Авж махали бутун машаққатни манга юклаб, ўзингни четга олиб туришни одат қилгансан кейинги пайтлар. Буни ҳеч ким сезмайди, деб ўйлайсанми? Аҳмоинг бозорга кетган, билиб қўй!

— Бирга авжга чиққан маҳалим нуқул усулни бузасиз. Ким бузаётганини эл билиб қўйсин-да. Йўқ, нима қилсан-

Ижодкорлар ҳаётидан лавҳалар

ЖўР ОВОЗЛАР АРАЗИ

Косимов, танбурда Имомжон Икромов, ғижжакада Фанижон Тоштовдан, чангда Мухаммаджон Расулов, найда Дадаали Соатқулов билан Жалил Камолов, доирада... ва ҳоказолар. Бир ижро тугаб, иккинчиси бошланғичи олдида яна ҳалигидеги ижрочилар бирма-бир эълон қилинаверарди.

Дадаали ака билан Жалил ака ёнма-ён ўтиришарди доим. «Ўли ирок»ни кўш жўрликда шунчалик берилиб, шунчалик маҳорат билан маромига етказиб, чалишардики, тингловчини сувдай эритиб юборишарди гўё. Аммо ҳаётда ўзаро гаплари бир-бирларига тўғри келмасди ҳеч. Бирлари тажандрок, иккинчилари қув табиатироқ бўлгани учунми аризмаган нарсаларга бир-бирларидан нолиб, жийибийрон бўлаётганликларини кўп кузатардики. Бирор кун ўтмасдики, даҳанаки жанг қизитмасалар. Ана шу йўсинда бора-бора ижроларига ҳам кўз тегиб, айниқса, Жалил ака янгича хунаро кўрсата бошлади. Яъни, «Ўли ирок»нинг даромади билан буромадини баробар жўрликда қиймега етказиб турарди-да, айни авжга чиқиб махали нафасини ичига ютиб, бутун «оқни» Дадаали аканинг зиммасига юклаб қўйиб одатини чиқаради. Бу қилиги билан Дадаали аканинг жигига баттар тега бошлади. Бир марта индамайди, у, иккинчи бора индамайди, учинчи гал авж айни юқори чўққига чиққан маҳал шартта тўхтайдди-да, найи билан Жалил аканинг калласига солади. Жалил аканинг боши ёрилиб, қон оқа бошлади. Дадаали аканинг найи эса ўртасидан ёрилиб, паққос ишдан чиқади. Ана шундан кейинги томошага пул бераверасиз энди.

Студиядан чиқишлари билан Дадаали ака Жалил акага ёпишиб кетади: — Найнинг бошига етдингку, овар! — Ким кимнинг бошига етди, сизми, манми? — дея ўдағайлади Жалил ака, пешонасига оқиб тушган қонни кўрсатиб, — най ёғочдан бўлган, бу каллаку?! — Манинг найим санинг каллангдан азизроқ эди, дунёда топилмас ёғочдан бўлган!

— Манинг каллам ҳам кўчада қолганларданмас! Бўлди, бас, бунини шўндоқ қолдирмайман. Доктордан справка олиб, борадиган жойимга бораман. Сизни жавобгарликка тортирмасам юрган эканман энди!

— Ҳе, ундан каттасини қилдирмайсанми! Қаёққа бориб, арз қилсанг ҳам нима учун калтак еганингни суриштирмасанку, ахир?!

— Хўш, суриштиришганда нима, инсоннинг калласи азими ё битта ёғочми? Унинг фарқига боришмайди, дейсизми?

— Қаёққа арз қилсанг қил, бирга бо-

гиз қилинг, сиз билан жўр овоз авжга чиқишдан орланаман!

— Бекорларнинг бештасини айтибсан, ўзинг усулдан чиққангиз чиққан нуқул! Хуллас, ади-бади айтишимиз шу даража етадики, икковларни ҳам бир-бирлари устидан ариза ёзиб, «ўртоқлик суди»га мурожаат қилишади. Буни кўрган Юнус Ражабий уларни инсофга чақиртиришга ҳаракат қилди:

— Қўйинглар, эшитган қулоққа яшшамас. Дуппа-дуруст ақл-фаросатли одамлар судлашиб юришибдими, деб қалака қилишларидан ёмонни йўқ. Яхшиси ўзаро муросяю мадорага келиб, сандан ўтган бўлса, ман кечирай, мандан ўтган бўлса — сан, деб бир-бирларингдан уэр сўранган-да, беъмаъни мोजарога хотима беринглар-қўйинглар!

— Ман ҳам кечирим сўрамайман, — дея ўжарлиги тугади Жалил аканинг ҳам, — аввал калламни тўлаб берсин, кейин бир гап бўлар...


Орага тушган бошқалар ҳам уларни инсофга чақирмоқчи бўлиди. Жалил Камолов бир неча кунгача жағидан тортиб, бошини боғлаб юради. Дадаали ака эса шилқиллаб қолган найини ҳаммага кўрсатиб хуноби ошгани ошган. Шу орада Тўроб Тўла муҳаррирлигида ойда бир чиқадиган «Тошкентнинг гапирими» номли деворий газетда уларнинг тортишувларига бағишланган мақола босилади. Мақолага «Ким айбдор» дея сарлавҳа қўйилган. Барча радио ходимлари ва радиого келган-кетганлар ҳам ўқишади уни. Аммо ҳеч қайсилари бирорталарини оқлашмас, фақат қулиб қўйишарди, ҳолос. Ҳатто «Ўртоқлик суди» ҳам айбдорнинг қилмигини ажрим қилиб беришнинг худдасидан чиқолмайди. Шундан кейин Дадаали ака най чалишдан паққос воз кечиб, ижодий иш билан шуғулланишга астойдил киришиб кетади. Беҳисоб қўйлар ва қатор саҳна асарлари учун дилрабо қўшиқлар яратди. Масалан, каминанинг «Серкабонинг хийласи» номли эртак-достони асосида тайёрланган радиопостановка ҳам Дадаали Соатқуловнинг дилбар қуйи ва қўшиқлари билан бойитилган. Уша пайтлар уни тинглаганлар ҳали-ҳамон эслаб юришади.

Ҳа, Дадаали Соатқулов миллий мусиқа санъатимиз ривожига катта ҳисса қўшган бастакорлардан биридир. У халқимизнинг олқишига сазовор бўлади, қатор унвон ва нишонлар билан тақдирланади, шарафланади.

Жалил Камолов эса умрининг охиригача най чалиб, ажойиб навалари билан элчи хушнуд этишдан толмайди. Унинг найи синмаган эди-да...

Ҳар иккала ижодкорнинг руҳини шод этиш мақсадида уларнинг ҳаётидан бир лавҳа келтирдик.

Жонрид АБДУЛЛАХОНОВ.



Рустам Шарипов олган суратлар.

Мусоқул УСМОНОВ, профессор.

АТРОФ-МУХИТ МУХОФАЗАСИ – ЭЪТИБОРДА

Маълумки, ҳар қандай мамлакатда унинг географик жойлашини, табиий ресурслари, манбаларини сақлаш ва ундан оқилона фойдаланиш, худас биологик хилма-хилликни ўз ўрнига қўйиш билан атроф-мухитни муҳофаза қилиш инсоният олдида турган энг муҳим муаммолардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда Миллий мухитни таъминлангандан кейингина табиий муҳофаза қилиш тўғрисида бир қатор қонунлар қабул қилиниб, унинг ижроси таъминланаётганлиги бунга ёрдам берди. Жумладан, 1992 йилда «Табиий муҳофаза қилиш тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилинди. Шу Фармондан келиб чиққан ҳолда табиийнинг барча соҳалари атрофдаги ўрғаниб, таҳлил қилиниб, 1993 йилда «Сув ва сувдан фойдаланиш», 1996 йилда «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида» Фармонларнинг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шаҳарда 2385 та автохўжаликларда 50 мингга яқин автомобиллар ишлатилади. Бундан ташқари 129 мингта шахсий автомобиллар, 286 та ишлаб чиқариш корхоналари атроф-мухитга зарарли чиқиндиларни чиқаради. Ҳар кун ҳаракатланган 140-150 минг автомобиллар атмосфера ҳавосини ифлослантириш билан табиатга, одамларга катта зарар етказмоқда. Оқибатда турли хил юкмули касалликларнинг авж олишига олиб келмоқда.

Бутун оламни ўраб олган атроф-мухит, яъни ҳаво, сув, тупроқ ва ундаги табиий манбалар — юз миңлаб ўсимлик ва ҳайвонот дунёсисиз инсоният тараққиётини тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса, табиий манбалардан нотўғри фойдаланиш оқибатида аҳоли яшайдиган йирик шаҳарларда атроф-мухитни муҳофаза қилишда жиддий ҳамокамчиликларга йўл қўйилиб, бир қатор экологик муаммоларни келтириб чиқаришга сабаб бўлинмоқда.

Пойтахтимиз Тошкент шаҳрида 2,5 миллионга яқин аҳоли истиқомат қилади. Шаҳарда ҳаво ва сувнинг ифлосланиши даражаси кундан кунга кучаймоқда, ҳар кун 150 мингдан ошқ автотранспорт воситалари ҳаракат қилиб, 65 тонна зарарли газлар ва тутунларни очқ ҳавога чиқаради. Бу ҳолат атмосфера ҳавосини 65 фоизгача заҳарлайди. Шунингдек шаҳар худудидан 190 километр узунликдаги очқ сув хавзалари оқиб ўтади. Салор, Бўзсув, Қорақамш, Бўржар, Дамарик, Қорасув каби бошқа сув хавзаларидаги экологик вазият ва санитария ҳолати мутлоқ талабга жавоб бермайди. Шаҳар аҳолиси ана шу очқ сув хавзалари ҳисобидан сугориш, ободонлаштириш ишларини амалга ошириб келмоқда.

ҲАММАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Шаҳардаги дам олиш ва истирохат боғларидаги кўлларнинг санитария ҳолати ундан фойдаланиш талаблари даражасида йўлга қўйилмаган. Шаҳарда бир ойда 77385 минг куб метр ичимлик суви фойдаланилади. Маълумки, ҳозирги даврда инсониятга энг кучли ҳавф туғдираётган экологик муаммоларнинг олдини олиш учун барча мамлакатларда кенг қўламда иш олиб боқилмоқда. Уларнинг фаолияти алоҳида кўнун билан кафолатланиб, муҳофаза қилиниши йўлга қўйилган.

Жойларда маҳалла ва кўчаларда сувдан фойдаланишга катта эътибор беришга эришиш кўп жиҳатдан маҳалла кўмиталари, даҳалар фаолларига ҳам боғлиқдир. Улар ўз вақтида суви ифлосланишидан сақлаш чораларини кўриб борсалар мақсадга мувофиқ иш бўлар эди. Шу ўринда шаҳримиздаги очқ сув хавзалари, арик, кўлларга чиқиндиларни ташлаш катта ҳавф туғдиришини қайд этиб ўтиш лозим.

Шаҳарда вабо ва ўткир ошқозон-ичак касалликларини тарқатмаслик учун ҳокимият органлари, маҳалла кўмиталари ва жойлардаги фаоллар аҳолини доимий равишда огоҳ қилиб туришлари лозим. Зарур ҳолларда санитария-эпидемиология станцияси, санитария милицияси, табиий муҳофаза қилиш органларига тез-тез мурожаат қилиб турсалар яхши бўларди. Бу билан биз аҳолини турли юкмули касалликлардан ҳимоя қилган бўлаемиз.

Эркин ЧОРИЕВ.



№ 6 (90) Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг саҳифаси

да экологик мувозанат бузилиб кишилар саломатлигига катта зарар етказилади. Айниқса, ёз мавсумида ўткир юкмули ошқозон-ичак касалликларининг тарқалиши эҳтимолдан ҳоли эмаслиги деярли ҳаммага маълум. Шу сабабли жойларда тозалик, обдончиликка эътибор қаратиш, очқ сув хавзаларини ифлослантирмаслик зарурлигини доимо аҳолига тушунтириб, атроф-мухитни ифлослантирмасликка даъват этиб боришимиз лозим бўлади.



Болам ерни боқсанг, у сени боқди деб ота-боболаримиз бекорга айтишмаган. Мана қилган меҳнатининг эвазига бу йил ҳам ҳосил ҳар галгидек мўл бўлди.

Шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси 1999 йилнинг олти ойида олти марта Ўзбекистон телевидениесига саккиз марта, Республика радиосига, «Тошкент оқшом» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида турли мақолалар билан чиқиб, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борди. Бундан ташқари 5 марта турли хилдаги тадбирлар ўтказилиб аҳолининг экологик маънавиятини юксалишига катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Эрмўмин ЧУПОНОВ, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси илмий-техникавий тараққиёт ва экологик тарғибот бўлими бошлиғи.

Инсоният пайдо бўлган даврдан бошлаб то ҳозиргача, одамзот фаолиятида ҳайвонлар муҳим аҳамият касб этиб келган ва келмоқда. Инсон ҳам ўзининг бу қадар яқин дўстларини эъзозлаб, улар тўғрисида китоблар ёзади, шеърлар тўқийди, кинофильмлар яратиб ва тарихий ёдгорликлар ўрнатади. Бу ноёб жониворларга ўрнатилган тарихий ёдгорликларнинг айримлари тўғрисидаги маълумотлар билан сиз муштарийларни таништирмақчимиз.

Австралия давлатининг Квинсленд штатига қарашли унча катта бўлмаган Бунарга шаҳарчасида ҳашаротга ёдгорлик ўрнатилган. 1788 йили англиялик Филипп номи каттуси ишқибоз Олуния авлодига оид чиройли каттуси Австралияга олиб келиб ўтказди. Унинг меваси ноқисмон бўлиб, узун-узун тиканлар билан қопланган бўлади. Бу ўсимлик шароитга мослашиб кўпайиб кетгани ва жуда катта фойда келтиради. Унда кошенел деган ҳашарот жуда ҳам кўп бўлар экан. Кошенел эса карминга жуда бой бўлиб, бу модда, яъни карминдан қизил ранг ажратиб олинган, шу сабабли бу чиройли каттус тез орада машҳур бўлиб кетган.

Орадан 50 йил ўтгандан кейин австралиялик бир фермер Аргентинадан бошқа бир тур, уша Олуния авлодига мансуб каттус олиб келди. Унинг олдинги тур каттусга нисбатан икки устуңлиги бор эди. Яъни, у жуда чиройли гулдайди ва меваси тиканли бўлса ҳам емшишли. Фермер уни кўпайтириш мақсадида ўз ер майдонига экади. Лекин каттус шу қадар тез кўпайиб кетдики, 25 миллион гектарга яқин ерни эгаллайди. Бу жойларда кейинчалик буғдой, арпа,

хаттоки ўт-ўланлар ҳам ўсмай қолади. Экинзорларни ҳайдаб ташлаш фойда бермайди. Зараркунанда каттус кўпайиб экин майдонларини қамраб ола бошлади. Фермер Аргентинадан каттусни олиб келгани учун минг пушаймон бўлади.

Энди нима қилиш керак? Қандай қилиб йўқотиш керак бу зормандани? Ниҳоят йўли топилди. Жанубий Америкадан каттус зараркунанда-

миллионлаб гектар пахта далаларини кўнғизлар вайрон қилиб, янги-янги жойларга кучли зиён етказиши давом эттиравердилар.

1915 йилга келиб Алабама штатида пахта экиладиган майдонлар ўн баробар қаммайиб кетди. Бу эса фермерларни анча тушкунликка солиб кетди. Орадан 4 йил ўтгандан кейин, яъни 1919 йили ўша алабамалик фермерлар Энттерпрайз шаҳрида бу ашаддий пахта зараркунандаларига ёдгорлик ўрнатдилар. 4 метрли устунлар устига гўзал дехқон аёл сиймоси ўрнатилган бўлиб, унинг боши узра кўлариди баралла кўтариб турган, металлдан ишланган юз марта катталикдаги узун бурунли кўнғиз — пахта зараркунандаси тасвирланган. Бронзадан ишланган ҳайкал остига қўйидаги сўзлар битилган: «Энттерпрайз аҳолиси бу ҳайкални чукур эҳтиром билан пахта зараркунандаси — узун бурунли кўнғизга бағишлаб қурдилар».

Нима учун фермерлар ашаддий пахта зараркунандасига ҳайкал ўрнатдилар? Маҳаллий халқ шундай тушунтиради: «Кишлоқ ҳўжалик мутахассислари кўп йиллар фермерларга бошқа қишлоқ ҳўжалик экинлари экишга маслаҳат бериб келганлар, аммо фермерлар ўз сўзларида каттиқ туриб фақат пахта экаверганлар, бошқа экин экиш тўғрисида ҳатто бош ҳам қотирмаганлар. Кейинчалик барча пахта далаларига зарар келтириш кўчайиб кетиши сабабли бошқа қишлоқ ҳўжалик экинлари — ерэнгоқ, маккажўхори, картошка ва бошқа шунга ўхшаш зироатларни экишга тўри келган. Биринчи йилдан бошлаб экилган экинлардан мўл ҳосил ола бошлаган. Шундан кейин пахта зараркунандаси пахта учун қанчалик даҳшатли эканлигини эслаб туриш учун шу ҳайкални қуришган».

Тура ХУДОЙБЕРДИЕВ, Отабек ХУДОЙБЕРДИЕВ.

Ҳамза туманида юздан ортиқ миллиат вакиллари бўлиб, 250 миңга яқин аҳоли истиқомат қилади. Унинг худудида 48 та маҳалла жойлашган.

Тошкент шаҳридаги жами саноят мажмуининг 35 фоизи шу ерда жойлашган. 30 дан ортиқ саноят корхоналари, 21 тадан ортиқ қурилиш ташкилотлари, 20 дан ортиқ транспорт ва алоқа ҳамда республикамизнинг вилоят, шаҳар туманларига турли-туман моллар етказиб берадиган база — омборлар ҳам шу ердан ўрин олган. Туман пойтахти фан ва маданият марказларидан биридир. Унинг бағрида қатор олий таълим даргоҳ-

рахтлар, гуллар, буталар графика асосида сугорилади. Дарахтларга шакл бериш, қуриган ва касалланганларини кесиб, тўнкаларини қовлаб олиш учун махсус бри-

ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИДА БЎЛСИН

гада ажратилган. Кесилган шохлар шаҳар ахлатхонасига, тўнка ва чиринган гуллар маҳаллаларга юборилади. Туман худудида жойлашган кўча ва йўлларнинг умумий узунлиги 1297,22 миң квадрат метр. Шу кўчаларнинг барчаси жорий таъмирлан-

ди. Ёнгин чиқмаслиги учун баҳорда ўсган ўтлар бир неча бор ўрилди. Қузги ва қишқи мавсумга тайёргарлик кўриб тадбирлари тузилган. Бу тадбирларда қиш мавсумида

да ўра тайёрланди. Ёмғиргарчиликда сув тошишининг олдини олиш мақсадида 2 та махсуслаштирилган машина тайёрлаб қўйилди. Ирригация тармоқлари ва қувурларнинг 80 фоизи тозаланди. Аммо ариза ва ёзма шикоятларни ўз вақтида ижобий ҳал қилишда қатор камчиликлар мавжуд. Шунингдек, жойларда маҳалла кўмиталарининг фаоллар билан ишлаши, бўш жойларга дарахт, гул экиб уни парвартириш қилиш, даҳа ва кўчаларни ободонлаштириш каби юмушлар талаблар даражасида эмас.

Ободонлаштириш бошқармаси шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси томонидан берилган ёзма кўргазмаларни ўз вақтида бажармайпти. Оқибатда тумандаги қатор ташкилот, корхоналар табиатни муҳофаза қилиш қўнунларига зид ҳолатда иш

юритиб кўмита томонидан маъмурий чораларга тортилмоқда. Масалан, 1999 йил июнь ойида «Тошмуҳандисқурилиш» трестининг 6-механизациялашган участкаси ҳиссасдорлик жамиятининг бош муҳандиси А.Б.Доценко 3960 сўм, яна бир қўшма корхона директори Т.С.Хван эса 3960 сўм жаримага тортилдилар. Бундай ҳолатни кўплаб келтириш мумкин. Ҳамза тумани ободонлаштириш бошқармаси туманда экологик мувозанатни соғломлаштириш ишларида туб бурилиш ясаши лозим.

Р. НИГМАТУЛЛАЕВА, Ҳамза туман давлат ноziри.

ГУЗАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Мирзо Улугбек тумани Тошкент шаҳрининг шимол қисмида жойлашган бўлиб, умумий ер майдони 3188,5 гектарни, ирригация тармоқлари эса 225 километрни ташкил этади.

Туман худудидан Қорасув ва Салор каналлари оқиб ўтади. Қорасув канали Тошкент трактор заводи оралаб сўнгра оқим Аҳмад Югнакий даҳаси орқали давом этади. 1993-1994 йилларда каналнинг шу худуддаги чап ва ўнг қирғоқлари, ўзани ҳар хил чиқиндилар билан ифлосланиб ётарди.

1994 йилда Мирзо Улугбек тумани ҳокимияти Аҳмад Югнакий, Аҳиллик, Шохрўх маҳаллалари аҳли, шу ерда жойлашган ахлатхоналар аҳолига аҳолига хизмат қилувчи гузар қуриш тўғрисида илтимос билан мурожаат қилган эдилар. Ушбу талаблар инобатга олинчи, канал бўйларини ободонлаштириш ва аҳолига савдо хизмати кўрсатишга яхшилаш мақсадида ҳокимият ушбу савдо мажмуини қуриш ҳақида қарор чиқарди.

Қурилиш билан боғлиқ бўлган барча сарф-харажатлар «Дилмурод» фирмасига оқилатилади. Қарорга асосан қурилиш ишлари туман Бош меъморлари билан келишилди. 1996 йил Наврўз байрами арафасида савдо мажмуиси қуриб битказилди. Республикамиз мустақиллигининг беш йиллиги даврида ишга туширилган бу мажмуа Аҳмад Югнакий гузарини номи билан аталди. Гузар ишга тушгандан бошлаб Қорасув канали бўйларини чиқиндилардан тозаланиб, канал атрофи ободонлаштирилиб, сувнинг ифлосланишига, аҳоли томонидан чиқиндилар ташлашига чек қўйилди.

1998 йилдан бошлаб Мирзо Улугбек тумани ҳокимиятининг тавсиясига кўра Қорасув каналининг қирғоқларини янада ободонлаштириш ва аҳолининг ёзини иссиқ жазирама кўнлариди ҳордиқ чиқаришлари учун, бу худудда маданий ҳордиқ маскани кўнбўнд этилмоқда. Бу маскан яқин кўнларда ишга тушиб, шу яқин атрофда ишчиларнинг сеvimли жойига айланарди.

Қорасув канали атрофи кундан-кунга ободонлаштирилиб, атроф-мухитни муҳофаза қилишга катта эътибор берилмоқда. Айниқса, бу ҳолат аҳолининг экология савияси маънавиятини тубдан ўзгартиришга ўз ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Шаҳардаги барча маҳаллаларда юқоридагидек муаммолар ҳал этилса, аҳолининг турмуш даражаси юксалиши билан уларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш яхши йўлга қўйилган бўлар эди.

Дилдора СУЛТОНОВА, Мирзо Улугбек тумани давлат ноziри.

Шаҳримиз кўчалари

ЕР ИЛМИ БИЛИМДОНИ НОМИДА

Ўзбекистон Мустақилликка эришгач, кўчаларга қўйилган номиларнинг кўпчилиги давр талаби асосида мақсадга мувофиқ тарзда янгиланди. Пойтахтимизнинг Юнусобод тумани худудидида жойлашган Тимирязев кўчасининг катта бир қисми эса Фани Мавлонов деб атала бошланди. Машҳур ўзбек олими Фани Мавлоновни эҳтимол ҳамшаҳарларимизнинг ҳаммаси ҳали билмас керак. Зеро, у геология фанида ўзининг илмий йўналишини яратган йирик тадқиқотчи сифатида нафақат Ўзбекистонда, айна вақтда чет мамлакатларда ҳам яхши танилган. Унинг ташаббуси билан Ўрта Осиёда биринчи Гидрогеология ва муҳандислар геологияси институти очилди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, профессор Ф. Мавлонов тадқиқотлари туфайли Марказий ва Жанубий Марказий Осиё худуди сатҳини сугориш натижасида чўкиш даражасини олдиндан айтиб бериш имкони яратилди. Аллома олим Марказий Осиёда тарқалган тўртламчи давр ётқиқиқ жинсларини ёшига қараб тўрт даврга бўлиди ва уларнинг тарқалиш майдонларини аниқлаб, харитага туширди.

Ўзбекистон фанлар академиясининг Сейсмология институтини очинишда жонбозлик кўрсатиб, унга раҳбарлик қилди. Бу орада у зилзилалар жараёни тадқиқотида доир қатор йирик илмий ишлар яратди. Зилзилани олдиндан аниқлаш мақсадлари учун яратилган радио усули чет элларда ҳам кенг қўлланмоқда.

Бугунги кунда бу йирик тадқиқот маркази академик Фани Мавлонов номи билан аталмоқда.

Ер илми билимдони, академик Ҳиндистон, АҚШ, Франция, Дания каби мамлакатларга бориб ўз тадқиқотлари ҳақида илмий маърузалар қилди. У 250 дан зиёд илмий, илмий-усулбий асарлар ёзди. Ўзбек тилида гидрогеология ва муҳандислик геологиясига доир ўқув қўлланмаси ҳамда лугат яратди.

Фани Мавлоновнинг Ўзбекистонда геология фанини тараққиқ қилдириш соҳасидаги катта хизматлари муносиб тақдирланди. Олимнинг вафотидан сўнг, жумладан шаҳримиздаги катта кўчалардан бири унинг номига қўйилди.

Ақбар АЛИЕВ.

Ҳамишира-99

ГОЛИБЛАРГА СОВГАЛАР ТОПШИРИЛДИ

Йиғилганлар бу кунни узоқ кутишди. Нафақат узоқ кутишди, балки узоқ тайёргарлик ҳам қўришди. Тошкент шаҳар ИИББ Тиббиёт бўлими ходимлари бу йилги «Ҳамишира-99» кўрик-танловининг ўзгача ўтшини библиришди. Қолаверса, улар учун дебоча ҳисобланган кўрик албатта синов вазифасини ўтарди. Ҳар бир ишнинг бошланishi хоҳлаймизми, йўқми қийинчилик туғдиради.

Кўрик ҳам бошланди. Саҳнада беш малика, беш латофат соҳибаси голиблик учун баҳс бошлайди. Биринчи бўлиб кўриқни бошлаб берган Нодирахон Алимова ҳаммадан ҳам кўпроқ тўлқинларни билди. Бирор ишда ҳатто йўл қўйилмади, дугоналарим қандай ижро қиларкин? деган ҳаёллар ҳам унга тинчлик бермаган бўлса керак. Ахир биринчи бўлиш осон эмас.

Бошлар ҳамишираси Дилафруз Муаммеджоновнинг ҳақиқатан ҳам жажжиларимизнинг меҳрибони эканлиги хатти-ҳаракатларидан ҳам билиниб турарди. Дилафруз ўзининг ёмон бошламиди. Умуман олганда бироз бадий чиқилларни ҳисобга олмаса, у ўз олдида қўйилган вазифани тўла ижро эта билди.

Ички ишлар идораларида ишлаб нафақатга чиқиб ҳар

Мирза АБДУЛЛАЕВ, Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази ходими.



Шаҳримиз марказида жойлашган «Чорсу» меҳмонхонасини нафақат ўзбекистонликлар, балки хориқликлар ҳам жуда яхши билишади. Чўки бу даргоҳда мижозларга сифатли хизмат кўрсатилади.

